



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- | | |
|---|---|
| <p>12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ</p> | <p>6 БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ
Парламент тадқиқот хизматлари
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили</p> <p>14 НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ
Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов
ҳуқуқлари бузилганини түғрисидаги ариза
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби</p> <hr/> <p>24 ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ
Общая характеристика plagiat как
правонарушения и его виды</p> <p>32 ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖНОНОВНА
Командитное товарищество как институт
инвестирования: законодательство и практика
применения Федеративной Республики
Германия</p> <hr/> <p>42 БАБАКУЛОВ ЗАФАР
КУРБОННАЗАРОВИЧ
Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс
талабларининг илмий ва амалий таҳлили</p> <hr/> <p>56 ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ
Харбий суд: кеча ва бугун</p> <p>66 ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ
Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик
ижроси устидан прокурор назоратининг
ҳуқуқий асослари</p> |
|---|---|

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI.
PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI
MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIK LARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA
SUD EKSPERTIZASI

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД ОРИФ ЎГЛИ**
Хорижий давлатлар қонунчилигига айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари
- 91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН КУРАМБОЙ ЎГЛИ**
Айрим хорижий давлатларда маҳқумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили
- 100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМАТОВНА**
Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект
- 109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН ХАЙИТБАЕВИЧ**
Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари
- 122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**
Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиити
- 132 **ВАЛИЖНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**
Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

141 САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ

Общие теоретические аспекты коррупции в органах государственного управления

DAVLAT DASTURLARI

150 ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ

О значении реформирования законодательства об административных процедурах в свете стратегических приоритетов развития страны

UDC: 12.00.11
ORCID: 0000-0002-7722-4569

ПАРЛАМЕНТ ТАДҚИҚОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Ботиров Хуршид Илёс ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
“Конституциявий хукуқ” кафедраси ўқитувчиси;
e-mail: xibotirov@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада парламент тадқиқот хизматларининг фаолияти хорижий давлатлар тажрибаси мисолида таҳлил қилинган. Бунда қонун чиқарувчи органлар учун холис ва ишончили ахборотнинг зарурати ва манбалари кўрсатилган. АҚШ, Канада, Франция каби ривожланган давлатларда парламент тадқиқот хизматларининг тузилмаси, вазифаларини таҳлил қилиши орқали уларнинг парламент фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш масалалари ўрганилган. Парламент фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий таъминлашнинг мазмун-моҳиятини тушуниш учун мазкур соҳада энг илғор тажрибага эга бўлган парламентлар (АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия)нинг илмий хизматлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиши алоҳидаги аҳамиятга эга. Хорижий парламентларнинг илмий хизматлари амалиёти таҳлили шуну кўрсатмоқдаки, уларнинг мақоми, мазмуни, объекти ва субъекти, ўрганиши предмети ва тадқиқот услублари бирмунча фарқланади. Парламентнинг қабул қилинаётган қарорлари, аксарият ҳолларда тайёрланган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент томонидан қабул қилинган қонунларни илмий экспертиза қилиш, режалаштирилаётган парламент тадбирларини ўтказиш, масалан, парламент назорати натижаси бўйича танланган таъсир чорасини қўллашдан олдин унинг тўғрилигини илмий жиҳатдан асослантириш улар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ушбу мақолада берилган қиёсий таҳлил методи парламент тадқиқот хизматларининг вужудга келиши тарихини ёритади ва Олий Мажлис палаталари фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Калит сўзлар: демократия, парламент назорати, Конгресс, тадқиқот, парламент тадқиқот хизмати, парламент қутубхонаси, қадриятлар, муаммолар.

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРЛАМЕНТСКИХ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ СЛУЖБ

Ботиров Хуршид Илёс угли,
преподаватель кафедры “Конституционное право”
Ташкентского государственного юридического университета;

Аннотация. В статье анализируется деятельность парламентских исследовательских служб на примере зарубежного опыта. Подчеркивается необходимость объективной и надежной информации для законодательного органа и ее источники. Были изучены структура и функции парламентских исследовательских служб для обеспечения научной и информационно-аналитической поддержки парламентской деятельности в развитых странах, таких как США, Канада, Франция. Глубокий анализ деятельности научных служб парламентов (США, Великобритания, Южной Кореи, Турецкой Республики), обладающих наиболее передовым опытом в этой области,

имеет особое значение для понимания сущности и содержания обеспечения научной и информационно-аналитической деятельности парламента. Анализ практики научных служб зарубежных парламентов показывает, что их статус, содержание, объект, предмет и методы исследования несколько различны. Научное обоснование принимаемых парламентом решений, чаще всего проведение научной экспертизы подготовленных законопроектов, а также принятых парламентом законов, проведение запланированных парламентских мероприятий, например, перед применением выбранной меры воздействия на результат парламентского контроля, играют важную роль в их деятельности. Метод сравнительного анализа, приведенный в данной статье, охватит историю существования парламентских исследовательских служб и послужит совершенствованию обеспечения научной и информационно-аналитической деятельности палат Олий Мажлиса.

Ключевые слова: демократия, парламентский контроль, Конгресс, исследования, парламентская исследовательская служба, парламентская библиотека, ценности, проблемы.

COMPARATIVE-LEGAL ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF PARLIAMENTARY RESEARCH SERVICES

Botirov Khurshid Ilyos ugli,
Tashkent State University of Law
Lecturer of the Department of Constitutional Law

Abstract. This article analyzes the activities of parliamentary research services on the example of foreign experience. It highlights the need and sources of objective and reliable information for the legislature. The structure and functions of parliamentary research services of developed countries such as the United States, Canada, and France have been studied to provide scientific and information-analytical support to their parliamentary activities. Deep analysis of the activities of scientific services of parliaments (USA, Great Britain, South Korea, The Republic of Turkey), which have the most advanced experience in this field, is of particular importance in understanding the essence and content of providing scientific and information-analytical activities of the parliament. The analysis of the practice of scientific services of foreign parliaments shows that their status, content, object and subject of study and research methods are somewhat different. An important role in their activities is played by the scientific examination of decisions adopted by the Parliament and draft laws prepared, as well as the scientific justification for conducting parliamentary control. The method of comparative analysis given in this article will cover the history of the existence of Parliamentary Research Services and will serve to improve the provision of scientific and information-analytical activities of the chambers of the Oliy Majlis.

Keywords: democracy, parliamentary control, Congress, research, parliamentary research service, parliamentary library, values, problems.

Дунёда барча қонун чиқарувчи органлар ўзларининг вакиллик, қонунчилик ва назорат функцияларини бажаришда ишончли ва аниқ таҳлилий маълумотларга эҳтиёж сезади. Бунда эса, биринчи навбатда, парламент фаолияти учун ахборотнинг турли манбалари – парламент кутубхоналари (илмий ходимлар ва интернетга

улалиш имконияти), парламент тадқиқот институтлари ва ихтисослашган қонунчилик бюджет идоралари муҳим роль ўйнайди. Лекин турли давлатлар парламентларида кутубхоналар турлича ресурсларга эга. Масалан, АҚШ Конгресси кутубхонаси 110 миллион китоб ва 75 минг даврий обунаға эга бўлган бир вақтда Бурунди парла-

менти кутубхонасида бор-йўғи 50 дона китоб, Парагвай парламенти кутубхонасида фақат битта даврий нашр – журналга обуна мавжуд [1].

Шунингдек, парламентни илмий ва ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминлашда илмий марказларни жалб этишда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, Канада, Ҳиндистон, Бангладеш ва Россия сингари мамлакатларда парламент институтлари ахборот муаммосининг ечими сифатида фаолият юритади. Бундай институтлар парламентдан ташқаридағи мустақил ташкилотлар (Канада ва Россия, Жанубий Корея, Ўзбекистон) ёки парламент тузилмасининг бир қисмидир (Туркия, Ҳиндистон ва Бангладеш). Яъни парламент бюджети катта кутубхонанинг кенг қамровли хизматини таъминлай олмайдиган жойда парламент тадқиқот институти парламент аъзолари учун илмий ва ахборот-таҳлилий манба сифатида хизмат қиласди.

Ахборот демократик қонун чиқарувчи органлар фаолияти учун муҳимдир. АҚШлик олим Францич таъкидлаганидек, қонун чиқарувчи органлар ўзларининг вакиллик, қонунчилик ва назорат функциялари учун ахборотга муҳтоҷ [2, 256-б.]. Францич АҚШ Конгресси ҳақида ёзар экан, қўйидагиларни таъкидлаган эди:

“Конгресс ўз ролини яхшироқ бажариши учун тўртта асосий маълумот турига муҳтоҷ. Умуман, Конгресс ва ҳар бир конгрессмен ўз иш жадвалларини мувофиқлаштириш ва режалаштириш учун маълумотга муҳтоҷ бўлиб, қарор қабул қилувчи орган сифатида Конгресс қонунчилик фаолияти ва сайловчилар талабларини қозатиши ҳамда улар билан ишлаш самарадорлигини ошириши ва қонунчиликда ҳам, қонунчиликдан ташқари фаолиятда ҳам уларнинг манфаатларини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиши керак. Шунингдек, Конгресс давлат бошқарувини назорат қилиш учун амалга ошири-

лаётган дастурларнинг муваффақиятини қозатиши ва заиф жиҳатларини аниқлаши керак” [2, 257-б.].

АҚШлик яна бир олим Жон Лизнинг таъкидлашича, қонун чиқарувчи органлар томонидан олиб бориладиган назорат туридаги тадбирлар миқдори парламент тадқиқот хизмати ходимлари ва ахборот манбалари доирасига сезиларли боғлиқдир [3].

Парламент тадқиқот хизматларини ташкил этиш нисбатан янги ҳодиса. Европа мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин, асосан, парламент кутубхоналари ишини тўлдириш учун тадқиқот марказлари ривожлана бошлади [4].

Парламент илмий тадқиқот марказлари парламент ишининг муҳим қисмидир. Уларнинг асосий вазифаси қонунчиликни таққослаш ва парламентарийларнинг саволларига жавоб беришdir. Улар сайланган вакилларнинг адолатли ва эркин қарор қабул қилишига кўмаклашади. Қонун чиқарувчи орган ушбу профессионал органларни ўзининг назорат функциясини самарали бажаришга ёрдам бериш мақсадида тузади [5].

Марказлар, одатда, парламентларнинг ижрочи аппарати раҳбарларига бўйсунади ёки парламент идоралари ичida алоҳида бўйим сифатида ташкил этилади. Марказларнинг баъзилари ўз фаолияти бўйича йиллик ҳисоботларни нашр этади ва уларнинг айримлари парламент мажлисларида кўриб қиқлади.

Парламентнинг самарали фаолият юритишида ахборотнинг муҳимлигини англаған ҳолда, 1963 йилда илк бор Франция парламентида маъмурий ва ҳукумат маълумотларини йиғиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида Парламент ва маъмурий ахборот бўлинмаси (парламент кутубхонаси ичida) ташкил этилди. Бу парламент тадқиқот хизматлари фаолиятининг бошланиши эди ва 1970 йилда ушбу бўлинма алоҳида мустақил Тадқиқот ва ҳужжатлар

идораси ташкил этилгунига қадар фаолият юритди [6]. Ўша даврда Германия, Британия ва Канада парламентларида ҳам шундай ўзгаришлар рўй берди [7].

АҚШликолимлар Г. Левинбергва С. Петтерсон парламентда маълумотларга бўлган эҳтиёж муҳим сиёсий аҳамиятга эга маълумотлар кўпинча ҳукумат қўлида бўлгани сабаб ортиб бормоқда, деб таъкидлайди ҳамда ҳукумат қабул қилаётган қарорларни танқидий кўриш ва сиёсий муқобилларини таклиф қилиш учун қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳукумат таъсиридан холи ва ишончли маълумотга муҳтоjлигини қайд этади [8].

Бепул (ва ишончли) маълумотлар парламентларнинг (ва парламент аъзоларининг) самарали ишлаши учун зарур шарт бўлса-да, бу етарли эмас. Парламент аъзолари ва уларнинг ёрдамчилари ўзларида мавжуд бўлган маълумотлардан қандай фойдаланишни ҳам билишлари керак.

Таҳлиллар кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам парламент аъзолари парламент кутубхоналаридан самарали фойдаланмайди. Бу эса қонун чиқарувчи ва ҳукумат ҳаракатларини назорат қилувчи вазифаларини амалга оширишда парламент аъзоларининг мавжуд маълумотларни қайта ишлаш имкониятлари чекланишига сабаб бўлмоқда. Шу боис парламент кутубхоналарини такомиллаштириш ҳамда парламент аъзолари учун мавжуд бўлган маълумотлардан қандай фойдаланишни ўргатувчи курслар ва семинарлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Баъзи ҳолларда парламент институтлари заиф кутубхоналар муаммосига ечим сифатида таклиф қилинади. Бундай институтлар парламент кутубхонаси ресурсларининг заиф томонларини илмий проактив тадқиқотлар билан тўлдиришни мақсад қиласди.

Ташкилий тузилма нуқтаи назаридан тадқиқот институтларини уч турга бўлиш

мумкин. Баъзилари парламент тузилмасининг бир қисми бўлгани боис “ички”, бошқалари эса мустақил ташкилотлар бўлгани сабабли парламент учун “ташқи” тузилмалар ҳисобланади. Бангладешдаги Қонунчилик ахборот маркази, Чехиядаги Парламент институти ва Ҳиндистондаги Парламентни ўрганиш ҳамда ўқитиш бюро-си (БПСТ) ички парламент институтларига мисол бўла олади. Масалан, Парламентни ўрганиш ва ўқитиш бюроси Лок Сабҳа (Ҳиндистон парламенти қуи палатаси) котибиятининг ажралмас бўлими бўлиб, унинг директори Лок Сабҳа бош котибига ҳисбот беради. Аксинча, Канададаги Парламент маркази, Филиппиндаги Қонунчиликни ривожлантириш маркази ва Россияда 2005 йилгача фаолият юритган Парламентаризмни ривожлантириш жамғармаси “ташқи” парламент институтлари намуналариdir [9]. Масалан, Парламент маркази мустақил нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, дастлаб Канада қуи палатаси таркибидаги қўмиталар учун шартнома асосида тадқиқотлар ўтказиш учун ташкил этилган.

Тайланднинг Қирол Пражадҳипок институти эса парламент институтларининг учинчи турига мансуб, яъни “аралаш” тур ҳисобланади ҳамда у, одатда, ички ва ташқи институтлар билан боғлиқ ҳусусиятларни намоён этади. ҚПИ дастлаб Таиланд Вакиллар палатаси котибиятининг бўлими сифатида ташкил этилган. 1998 йил сентябрь ойида Қирол Пражадҳипок институти тўғрисидаги қонун эълон қилинганидан сўнг мустақил ва автоном институт сифатида ташқи институтлар ҳусусиятларига эга бўлди. Шу билан бирга, ҚПИ бошқа ташқи парламент институтларидан иккита асосий жиҳати билан ажралиб турди. Биринчидан, Миллий Ассамблея президенти бир вақтда институт раиси ҳам бўлиб, у парламент ва институт ўртасида расмий алоқани таъминловчи ҳисобланади. Иккинчидан, ҚПИ бош котиби Миллий

Ассамблея ва юқори палатага йиллик хи-
сботларни тақдим этади.

Парламент институтлари бажаради-
ган функцияларига кўра бир-биридан
фарқ қиласди. Баъзилари тадқиқот олиб
бориб, парламент фаолиятини илмий ва
ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминла-
са (Бангладеш), бошқалари парламент
аъзолари учун тренинглар ташкил қилас-
ди (Ҳиндистон), айримлари ҳам илмий ва
ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъмин-
лайди, ҳам тренинглар ташкил қиласди
(Филиппин, Таиланд). Чехия Парламент
инситути эса қарор қабул қилиш жараёни-
га таъсир қилишдан қочади. Давлат идо-
раларидан фарқли ўлароқ, бу институт му-
аммоларни лоббистларнинг қизиқишидан
холи тарзда фақат ҳуқуқий нуқтаи назар-
дан холис баҳолайди. Парламент институ-
ти ижро этувчи органларга ечимлар топиб
бермайди. У бу таклифларни фақат ex-post
баҳолаши мумкин [10].

Хар бир тадқиқот хизмати томонидан
қабул қилинган таъсис ҳужжатида энг
муҳим қадриятлар ва фаолият тамойилла-
ри акс этиши, унда парламент аъзолари ва
уларнинг ходимларига тақдим этиладиган
хизматлар доираси, тадқиқот хизматла-
ридан кимлар фойдаланиши мумкинлиги
ҳақидаги тавсиф бўлиши керак. Тадқиқот
ишлари, хизматлар долзарб, профессио-
нал ва сифатли тарзда тайёрланishi зарур
[11].

Хорижий парламентлар тадқиқот хиз-
матлари амалиётида парламент фаолия-
тини илмий ва ахборот-таҳлилий таъмин-
лашда уларнинг мақоми, мазмuni, объ-
екти ва субъекти, ўрганиш предмети ва
тадқиқот услубларига тўхталиш лозим.

Биринчидан, парламент фаолиятини
ilmий жиҳатдан таъминлашда илмий асос-
ларга таяниш, уларни кучайтириш, қо-
нун ижодкорлиги ва парламент назорати
йўналишларини амалга оширишда фан-
нинг барча соҳалари томонидан тўплан-
ган илмий хulosалар, илмий-назарий

концепциялар, қарашлар ва умумэътироф
этилган ғоялардан кенг фойдаланиш за-
тур. Бунда парламент фаолиятини илмий
жиҳатдан таъминлашнинг бир нечта усу-
лини кўрсатиш мумкин.

Биринчи усул – парламент томонидан
қабул қилинаётган қонунлар, режалашти-
рилаётган парламент тадбирларини ўт-
казиша уларнинг тўғрилигини илмий
жиҳатдан асослантириш. Бунда олимлар-
нинг бажарган тадқиқот ишларидан фой-
даланиш мумкин.

Иккинчи усул – парламент томонидан
қабул қилинаётган қарорлар, аксарият
ҳолларда тайёрланган қонун лойиҳалари-
ни илмий экспертизадан ўтказиш [12].

Илмий экспертиза илм-фаннынг барча
соҳалари бўйича ўтказилиши мумкинли-
гини инобатга олиб, илмий адабиётларда
унинг икки тури – соф илмий экспертиза
ва илмий-техник экспертиза эътироф эти-
лади.

Учинчи усул – парламент томонидан
қабул қилинаётган қарорлар бўйича ил-
мий муҳокамалар ташкил этиш ҳамда на-
тижаси бўйича тегишли таклиф ва тавсия-
лар олиш.

Юқорида санаб ўтилган учта усул пар-
ламент фаолиятини илмий жиҳатдан таъ-
минлашнинг асосини ташкил этади ва
ҳозир ривожланган мамлакатлар парла-
ментлари фаолиятида кенг қўлланиб ке-
линмоқда.

Парламент фаолиятини ахборот жиҳа-
тидан таъминлаш, аввало, парламент,
унинг органлари бўлган фракция, қўми-
та ва комиссиялар, ҳар бир депутат ва
сенаторни керакли ахборот билан таъ-
минлаш, улар режалаштирилаётган чо-
ра-тадбирлар, жумладан, тайёрлананаётган
қонун лойиҳасини ҳар томонлама пухта
тайёрлаш, унинг предметини ташкил этув-
чи барча жиҳатларини тартибга солиш им-
конини яратувчи барча маълумотларни
етказиб беришдир, десак хато бўлмайди.
Бунда ахборотни сўраб олувчи парламент

субъекти турли статистик маълумотлар, тегишли вазирлик ёки идораларнинг ҳисббот хужжатлари, оммавий ахборот воситалари ёки махсус адабиётларда чоп этилган мақолалар ёки тадқиқот натижалари билан таъминланади [13].

Парламент фаолиятини таҳлилий жиҳатдан таъминлашда эса юқорида санаб ўтилган ахборот манбалари парламент субъекти томонидан эмас, балки ушбу маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш билан махсус шуғулланадиган тузилмалар, жумладан, парламентнинг илмий хизматлари томонидан комплекс равишда ўрганилиб, улар бўйича тегишли хуросалар чиқарилади [14].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари девонлари ва Парламент институти томонидан мазкур йўналишни ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда ҳам анъанавий ҳамда янги замонавий иш услубларидан, масалан, палатанинг тегишли қўмитаси томонидан тузилган ишчи гурӯҳ фаолиятида иштирок этиш ёки Қонунчилик палатаси ва Сенатга тайёр қонун лойиҳалари ва уларга илова қилинадиган тегишли ахборот-таҳлилий маълумотларни тақдим этишдан кенг фойдаланиб келинмоқда [15].

Парламент кутубхоналари, институтлари ёки бюджет таҳлили идораларининг мавжудлиги қонунчилик сифатига сезиларли таъсир кўрсатганини исботловчи эмпирик далиллар етарли даражада кўп эмас. Аммо жамият ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда парламент тадқиқот хизматлари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишида парламентни кўпроқ ўйлашга мажбур қилмоқда. Мисол учун, парламент институтининг www.meningfikrim.uz каби онлайн платформаси кўп масалаларда адолатли ва оқилона қонунлар яратиш имкониятини берди [16].

Кўпгина хорижий давлатларда барча НХХ лойиҳалари келишувлари уларни

ишлаб чиқиши жараёнида бошланади. Чунки лойиҳа тайёр бўлганидан кейин унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мураккаб масалага айланади. Норма ижодкорлигининг мақсади эса НХХни қабул қилиш орқали муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ижтимоий гурӯҳлар, жамоалар ва индивидлар манфаатларини келиштиришдан иборатdir. Ушбу мақсадга эришишда АҚШда расман белгиланган “тартибга соловчи келишув” алоҳида аҳамиятга эга [17].

Ўзбекистон тажрибасига назар ташласақ, Президентимиз ташабbusi билан парламент фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш, парламентнинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадида 2017 йил 29 декабря Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди [18].

Институтни шакллантириш жараёнида жаҳон тажрибаси, 50 дан ортиқ мамлакат амалиёти, яъни парламентга илмий-эксперт, таҳлил хизматини кўрсатадиган турли шаклдаги органлар иши ўрганилди. Жумладан, Жанубий Корея Миллий Мажлиси ҳузурида 100 дан ортиқ илмий ходимни ўзида жамлаган Миллий Ассамблея тадқиқот хизмати фаолияти, Япония парламентида мустақил таҳлиллар билан шуғулланадиган учта орган — парламент миллий кутубхонасининг хуқуқий маълумот ва тадқиқот бюроси, Вакиллар палатасининг тадқиқот бюроси, Маслаҳатчилар палатасининг тадқиқот идораси тажрибаси билан танишиб чиқилди. АҚШ Конгрессининг Тадқиқот хизмати, Германия Бундестагидаги Илмий хизмат, Туркия Буюк Миллат Мажлисининг Тадқиқот маркази, Польша Сейми канцелярияси Тадқиқотлар бюроси, Чехия Республикаси Депутатлар палатаси ва Сенатининг Парламент институти, шунингдек, Греция, Малайзия, Украина каби мамлакатларнинг худди шундай

тусдаги тузилмалари фаолияти ўрганилди. Энг муҳим жиҳати, ушбу органларнинг номи ҳар хил бўлгани билан фаолият йўналиши ва мақсади бир хил, уч йўналишдаги вазифани бажаради. Биринчидан, халқ билан мулоқот қиласи, халқнинг фикрини парламентга етказади. Иккинчидан, депутатлар ва сенаторларга илмий маслаҳат беради, уларга хулосалар, тадқиқот натижаларини тақдим этади. Учинчидан, парламент фаолиятини илмий асосда ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади [20].

Шубҳасиз, мамлакатимизда шундай институтнинг ташкил этилгани парламентнинг фаоллиги, роли ва таъсири ошишига, қонунчиликни халқимизга яқинлаштиришга, қонунларнинг ҳаётий бўлишига ва пировардида мамлакатимизнинг тараққий этишига хизмат қиласи.

Институт томонидан демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини кучайтириш, унинг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, институт томонидан 120 та қонун лойиҳаси тайёрланди. 100 дан ортиқ қонун

бойиҳаси экспертизаси амалга оширилди.

Бироқ дунёning кўплаб мамлакатларидаги парламентлар таҳлили қуйидагиларни хулоса қилиш имконини беради:

биринчидан, парламент назоратини таъминлаш, коррупциянинг олдини олишда ва демократияни ривожлантиришда холис ва ишончли маълумотларни тақдим этиш парламент учун жуда ҳам зарур. Парламентда очик, холис, ишончли ва аниқ маълумот манбаларининг мавжудлиги демократиянинг қай даражада ривожланаётгани белгиси бўлиб, демократия ва оқилона бошқарув амалиётини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга;

иккинчидан, парламент аъзоларида мавжуд маълумотлардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш учун уларни ўқитиш, малакасини ошириш зарур ва шуни ҳисобга олган ҳолда, парламент кутубхоналари, парламент институтлари ва халқаро ташкилотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

учинчидан, парламент аъзоларининг парламент функцияларини тўғри бажарishi учун манбалардан иложи борича кўпроқ маълумот олишларига зарур шарт-шароитлар яратиш керак.

REFERENCES

1. Pelizzo R., Stapenhurst R., Miller R. (2004). Parliamentary Libraries, Institutes and Offices: The Sources of Parliamentary Information. SSRN Electronic Journal. 10.2139/ssrn.1026371.
2. Frantzich S.E. Computerized Information Technology in the U.S. House of Representatives. Legislative Studies Quarterly, vol. IV, n. 2, (May) 1979, pp. 255-280. On this point see p. 256.
3. Lees J.D. Legislatures and Oversight: A Review Article on a Neglected Area of Research, Legislative Studies Quarterly, vol. 2, n. 2, (May) 1977, pp. 193-208. The quote is taken from p. 202.
4. Schick R., Hahn G. (1995). The reference and research services of the German.
5. Fitsilis F., Koutsogiannis A. Strengthening the Capacity of Parliaments through Development of Parliamentary Research Services (July 29, 2017). Working paper, 13 th Workshop of Parliamentary Scholars and Parliamentarians, 29-30 July 2017, Oxfordshire, UK. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3216371>
6. Bundestag. Government Information Quarterly, 12(2), 141-161.
7. Campbell S., Laporte J. The Staff of Parliamentary Assemblies in France, Legislative Studies Quarterly, vol. IV, no. 4, (November) 1981, pp. 521-531. The quote is taken from p. 527.
8. Blischke W. Parliamentary Staff in the German Bundestag, Legislative Studies Quarterly,

vol. IV, n. 4, (November) 1981, pp. 533-558. On the British case, see M.T. Ryle. The Legislative Staff Of the British House of Commons, Legislative Studies Quarterly, vol. IV, no. 4, (November) 1981, pp. 497-519.

9. Mueller W.C., Saalfeld Th. (eds.). Members of Parliament in Western Europe: Roles and Behaviour, London, Frank Cass, 1997, pp. 32-54.

10. Loewenberg G., Patterson S.C. Comparing Legislatures, Boston, Little, Brown and Company, 1979, p. 164.

11. Jágr D. (2020) Parliamentary research services as expert resource of lawmakers. The Czech way, The Journal of Legislative Studies, DOI: 10.1080/13572334.2020.1831127. Available at: <https://parlcent.org/what-we-do/parliamentary-networks/>

12. Guidelines for parliamentary research services Inter-Parliamentary Union (IPU) and the International Federation of Library Associations and Institutions (IFLA), 2015 ISBN 78-92-9142-630-0.

13. Bekov I. Deyatelnost parlamenta vo vremya pandemii: opit zarubejnjix stran i Uzbekistana [Parliament activities during a pandemic: experience of foreign countries and Uzbekistan]. Review of law sciences, 2020, no. 2.

14. Missingham R., Miskin S. (2011) An Informed Parliament: The Role of the Federal Parliamentary Library, Australian Journal of Political Science, 46:2, 331-339.

15. Narimanov B.A. Nodavlat notijorat tashkilotlar tarixi va nazariy-huquqiy asoslari [History and theoretical and legal basis of non-governmental non-profit organizations]. Electronic journal "Legal Research", 2020, Tashkent, no. 5.

16. Kosimov B. Verxovenstvo prava i pandemiya koronavirusa COVID-19. The rule of law and Covid-19 coronavirus pandemic, Review of law sciences. 2020, no. 2.

17. Yuldashev A. O'zbekistonda qonun hujjatlari loyihalarini fuqarolik jamiyatni institutlari bilan kelishish holati va istiqbollari [state and prospects for negotiation of rules with civil society organizations in Uzbekistan]. Review of law sciences, 2020, vol. no. 3, pp. 40-46.

18. Oliy Majlis huzurida yangi institut o'z faoliyatini boshladi [A new institute has opened under the Oliy Majlis]. Available at: https://parliament.gov.uz/uz/events/other/23390/?phrase_id=6612704

19. Oliy Majlis Qonunchilik palatasining besh yillik faoliyatiga nazar [A look at the five-year activity of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis]. Available at: <https://uza.uz/uz/posts/oliy-mazhlis-onunchilik-palatasining-besh-yillik-faoliyatiga-04-01-2020>